

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY

2024

Journal of Pedagogical and Psychological Studies

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ISSN: 2181-4066



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

II-ЖИЛД, 2-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ - 2024

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2024-2>

Бош муҳаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов Ойбек.

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

Таҳририят аъзолари:

1. Юсупова Хабиба Ирискуловна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
2. Олимов Лазиз Ярашович – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
3. Элов Зиёдулло Сатторович – психология фанлари доктори, доцент
4. Ганжиев Феруз Фурқатович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
5. Мусаева Мухаббат Эшбаевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
6. Умаров Баҳром Норбоевич – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
7. Орипова Раънохон Иброхимовна – педагогика фанлари номзоди, доцент
8. Ўринова Феруза Ўлжаевна – педагогика фанлари номзоди, доцент
9. Ниёзова Лутфия Худайбергановна – дефектолог - эксперт
10. Салиева Дилором Абдуллаевна – психология фанлари номзоди
11. Останов Шухрат Шарифович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
12. Рустамов Шавкат Шухратович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
13. Халлокова Максудахон Эргашевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
14. Исмаилова Раъно Нураевна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
15. Саримова Дилдора Соаталиевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
16. Улуғова Шахлола Муслиддиновна – психология фанлари номзоди, доцент
17. Махмудова Зулфия Мехмоновна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
18. Худайберганов Шухрат Шавкат ўғли – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
19. Исматова Дилафруз Тўймуратовна – психология ф.б.ф.д. (PhD)
20. Улуғова Шахлола Муслиддиновна – психология фанлари номзоди, доцент
21. Махмудова Зулфия Мехмоновна – психология ф.б.ф.д., (PhD)
22. Ўринова Озодахон Ўлжаевна – педагогика ф.б.ф.д., (PhD)
23. Рўзиёв Умар Музафарович – психология ф.б.ф.д., (PhD)
24. Останов Жасур Шопиржонович – психология ф.б.ф.д., (PhD)
25. Лола Камоловна Илиева (Бахриддинова) – педагогика фанлари номзоди, доцент
26. Муродова Дурдонахон Райимжон қизи – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 8.2 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор
24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ШОУМАРОВ Ғайрат Бахромович

Профи университети ректори

Психология фанлари доктори

академик

ҲАМРОҚУЛОВА Камола Ғайратовна

Гулистон давлат университети

докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10674715>

ОИЛАЛАРДА ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада оиладаги зўравонлик ва унинг олдини олишнинг самарали йўллари ҳақида маълумот берилган. Оиладаги зўравонлик - бу ўзларининг яқинлари (асосан аёллар ва болалар) устидан ҳукмронлик ва назорат қилиш мақсадида, одатда айнан бир шахсга нисбатан жисмоний ва рухий зўрлик қилишда намоён бўлади. Тазйиқ - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

Калит сўзлар: жисмоний зўравонлик, рухий зўравонлик, оиладаги зўравонлик, тазйиқ.

СЛУЧАИ ДОМОГАТЕЛЬСТВ И НАСИЛИЯ В СЕМЬЯХ И ИХ ПОСЛЕДСТВИЯ ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ПРОФИЛАКТИКИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлена информация о домашнем насилии и эффективных способах его предотвращения. Домашнее насилие-это насилие, которое проявляется в физическом и психологическом насилии над одним и тем же человеком, обычно с целью доминирования и контроля над своими близкими (в основном женщинами и детьми). Притеснение-деяние (бездействие), унижение чести и достоинства женщин, совершение которого не предусматривает административной или уголовной ответственности.

Ключевые слова: физическое насилие, психологическое насилие, домашнее насилие, домогательства.

CASES OF HARASSMENT AND VIOLENCE IN FAMILIES AND THEIR CONSEQUENCES EFFECTIVE WAYS OF PREVENTION

ANNOTATION

This article provides information about domestic violence and effective ways to prevent it. Domestic violence is violence that manifests itself in physical and psychological violence against the same person, usually for the purpose of dominating and controlling their loved ones (mainly women and children). Harassment is an act (inaction), humiliation of the honor and dignity of women, the commission of which does not provide for administrative or criminal liability.

Keywords: physical violence, psychological violence, domestic violence, harassment.

Оилавий зўравонлик кенг тарқалган ижтимоий муаммо бўлиб, оилавий муносабатларда юзага келадиган турли хил ёмон муомала шакллари қамраб олади. Ушбу мақолада биз оилавий зўравонлик билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, келтириб чиқадиган оқибатларини ўтказган тадқиқотларимиз натижасидан келиб чиқиб эмпирик далилларга таянган ҳолда кенг қамровли чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Оилавий зўравонликларнинг оилага ва оила муҳитида униб ўсаётган шахсга кўрсатадиган руҳий, маънавий таъсирини олдини олиш, ерта аниқлаш ва реабилитация қилишга қаратилган мураккаб мултидисциплинар ёндашувнинг аҳамиятини тушуниш орқали оилавий зўравонликка сабаб бўладиган омиллар ва самарали чоралар кўриш, хавфсиз ва соғлом оила муҳитини яратишга ёрдам берувчи тавсиялар ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз [1, 2].

Психологларнинг олиб борган илмий изланишларида оила муносабатларни ўрганиш жараёни XX аср бошларида кескин бурилиш ясади. Ижтимоийлаштиришнинг асосий институти сифатида қараладиган оилавий муносабатлар турли хил тадқиқот ишларда очиб беришга ҳаракат қилинган. Олиб борилган тадқиқот ишларда қўйидаги соҳалар ўрганилган: оилавий муносабатлар муаммоси ва унда юзага келадиган зўравонлик турлари, зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари, оилада болага нисбатан зўравонликнинг намоён бўлиши, эр-хотин муносабатларидаги агрессив хулқ омиллари, зўравонлик хулқи оқибатлари натижалари таҳлил қилинган.

Хориж олимларидан зўравонлик кўринишларини илмий жиҳатдан ўрганган олимлардан йнан Америка Қўшма штатларидан М.Страус Р.Геллес Р.Бурке ЮДоуглас ва Л.Шерман ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. Рус олимларидан А.Сапаровска М.Писклакова Г.Ф.Хилажаева оилавий зўравонликни ижтимоий муаммо сифатида ўрганишиб, оилага таъсири масалаларини шахсга нисбатан кўрқитиш, бўйсундириш орқали намоён бўлишини такидлаб ўтишган. Россиялик тадқиқотчилардан яна бир тадқиқотчи Е.И.Ефимова илмиш изланишларида эса оиладаги зўравонликнинг куч ишлатиш шакллари сифатида уриш, қалтаклаш, яшаш жойида соғлом ҳаёт тарзидан маҳрум қилиш каби кўринишларини таҳлил этган.

Оилавий зўравонлик мавзусида энг йирик тадқиқот ишларини олиб борган олимлардан Р.Гиллес, М. Эйнсворт ва Н. Фешбах каби олимларни алоҳида айтиб ўтиш зарур. Уларнинг ”Етарлича шакилланмаган эмпатиянинг бола зўравонлигининг юзага келишида таъсири тўғрисида”; Д. Баумринд, Ж. Белский, П. Сриттенден, М. Еастэрброокс, Р. Емди, Ж. Елдэр, А. Каспи, Ж. Фантуззо, С. Линдквист ва Д.Вулфнинг “Зўравонлик саҳналарини болалар томонидан кузатилишининг уларни тажоввузкорлигига таъсири ҳақида”; Р.Фелсоннинг “Ака-ука ўртасидаги зўравонлик ҳақида”; Д.Финкелҳор, И.Люис, Ж.Гарбариноларнинг “Болаларнинг қаровсизлиги ҳақида”ги; Д.Гилнинг тадқиқот ишларини алоҳида такидлаб ўтиш жоиз [3].

Бундан ташқари, “Болаларни жисмоний зўравонлик қилиши тўғрисида”; Ж. Гилгун, Т. Коннор, Ж.Гудчилдс, С. Хартман, А. Бургесс, Ж. Зеллман “Болалар жинсий зўравонлиги тўғрисида”; М.Страус ва бошқа шу каби тадқиқотчилар 1970 йилларда, шунинг билан бирга Ғарб жамоатчилиги эътиборини хотин-қизларга нисбатан оилавий зўравонлик муаммосини ўрганишга қаратди. Ушбу муаммони ўз тадқиқот ишларида тўлақонли очиб беришга ҳаракат қилган Р.Е.Добаш ва Р.Добаш, И.Фриз, К.Ёлло, Д.Финкелхор, Ж.Гайлес-Симс, Д.Сугарман, Л.Вокэрлар хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. К.Ёлло, Р.Берген, П.Пикок каби Ғарб тадқиқотчилари жинсий тажоввуз муаммосига алоҳида эътибор қаратишган.

Оилавий муносабатлар, зўравонликлар, руҳий тарангликлар ва шу каби бир қатор долзарб муаммоларни хориж тадқиқотчилари билан бир қаторда мамлакатимиз психолог олимларимиз ҳам илмий изланишларида концептуал ёндашувлар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз психолог олимлари томонидан бу йўналишда ўзбек оиласининг этник, худудий, ижтимоий-психологик жиҳатлари ҳам махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганган Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Н.А.Соғинов, Р.И.Суннатова, У.С.Сарибаева, М.А.Утепбергенов, М.С. Салаева, Г.А. Қурбанова, Х.К.Каримов, Ф.Р.Ўзикулов, Р.Н.Хикматиллаева, М.Ҳ.Файзиева, Ў.Б.Шамсиевалар томонидан олиб борилган илмий изланишлар жараёнида эр-хотин муносабатларида низолар ва уларнинг оила муҳитига таъсири, фарзндлар психик ривожланишига таъсири, ўзбек оилаларида ота-она ва фарзанд муносабатларининг ўзига хос этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш оилада шахслараро муносабатлар фарзанд ижтимоий перцептив жараёнларига таъсири, ота-она ва бола муносабатларининг ёшга оид хусусиятлари, турли тартибли оилаларда фарзандларининг ижтимоийлашуви ўрганилган бўлсада, бироқ оилавий муносабатларда юзага келадиган зўравонлик унинг келиб чиқиш омиллари ва сабаблари юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда [4].

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар.

Зўравонлик - хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажоввуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Жисмоний зўравонлик - хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажоввуз қиладиган зўравонлик шаклидир.

Руҳий зўравонлик - хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) да номоён бўлади.

Оиладаги зўравонлик - бу ўзларининг яқинлари (асосан аёллар ва болалар) устидан ҳукмронлик ва назорат қилиш мақсадида, одатда айнан бир шахсга нисбатан жисмоний ва руҳий зўрлик қилишда номоён бўлади.

Тазйик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жинойий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Оиладаги руҳий ҳолатни, оила аъзоларининг шахслараро муомала ва муносабатга киришиш ҳолати, муаммоли ҳолатларни бартараф этишдаги бирдамлик, оилавий ҳамжиҳатлик, синалувчи шахснинг руҳий ҳолати, кайфияти, олий мақсади, оилавий низоли ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари, ўзаро бир-бирини тушуниш, меҳир кўрсатиш ҳолати, умумий олганда оилада яратилган психологик муҳитнинг ҳолатини кенгқамровли очиб беришга қаратилиб тузилган муаллифлик тестимизни Мирзаобод туманига қарашли 21 мактабнинг 10 ва 11 синф ўқувчилари, 17 мактабнинг 9 ва 10 синф ўқувчилари,

Ихтисослаштирилган мактабнинг 10 ва 11 синф ўқувчилари, университетнинг физика, математика факултети талабаларидан жами: **301 нафар** синалувчиларда ўтказдик, шулардан **140 нафари (47%)** аёллар ва қизлар, **161 нафари (53,4%)** йигитларни ташкил қилди. Олинган натижалар таҳлил қилинганда 301 синалувчининг **19 нафарида (6,3%)** оилавий муҳитига нисбатан норозиликнинг мавжудлиги, оила аъзолари ўртасида тушунмовчиликлар, хафагарчиликлар, уруш-жанжалларнинг тез-тез такрорланиб туриши натижасида синалувчининг соғлигида бир қанча муаммоларнинг юзага келганлиги, доимий кайфиятсизлик, руҳий толиқишнинг мавжудлиги аниқланди. Аёллар ва йигитлар кесимида кўрадиган бўлсак, **140 нафар** синалувчи қизлардан **13 нафари (4,3%)**, **161 нафар** синалувчи йигитлардан **6 нафари (2%)** ни ташкил этди. Бу ошқора берилган жавоблар кўрсаткичи бўлиб, андиша қилиб очик жавоб бера олмаганлар ҳам бўлиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, оилавий зўравонлик ҳолатини олдини олишга қаратилган ҳали талайгина ишлар мавжудлигини англашимиз қийин эмас [5].

Тўпланган маълумотлар ва олинган натижалар асосида қуйидагича хулосага келдик:

1. Ихтисослаштирилган иқтидорли ўқувчилардан олинган натижалар билан қишлоқ жойдаги икки мактаб ўқувчилари ўртасида олинган натижалар таҳлил қилинганда, ижобий психологик оилавий муҳитда ўсган болаларнинг илм олишга бўлган қизиқишлари юқорироқ даражадалигини кўришимиз мумкин.

2. Оилавий муаммолар тўғрисида қиз болалар ва аёллар йигитларга нисбатан очикроқ жавоб беришни маъқул кўрар экан. Бунга сабаб қилиб зўравонлик ҳолати кўп ҳолатда аёллар ва вояга етмаган болаларга нисбатан кўпроқ учрашини статистик маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин.

3. Олинган натижалар таҳлилининг кўрсатишича, бугунги кундаги оилаларнинг кўп қисми ўзаро ишонч ва ҳурмат эвазига қурилаётганлигига иштирокчиларнинг кўпчилик қисми ишончсизлик билдиришди.

4. Олинган натижалар таҳлилининг кўрсатишича, оилада шахслараро муносабатларда камчиликлар мавжуд.

5. Ўзаро тушуниш, руҳан қўллаб-қувватлашда камчиликлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган хулосалар асосида қуйидагича тавсиялар ишлаб чиқдик:

1. Аҳоли ўртасида психологик савадхонликни ошириш;

2. Ота-оналар институтлари орқали ота-оналарга болалар психологияси ҳақидаги, ўсмирлар психологияси ҳақидаги илмий-оммабоб билимларни етказиш.

3. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва талабалар, умуман олганда оила бўсағасида турган ёшларда зўравонликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги тўлақонли билимларни шакиллантириш мақсадида зўравонлик муаммосини олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, маърузалар, семинар тренинглари, давра суҳбатларини ташкил этиш ва шу орқали уларнинг онгига етказиш.

4. Мактабларда ўғил болларга бўлажак оила бошлиқлари сифатида қаралиб, аёллардаги ўзига хос гендер хусусиятлари, психологик хусусиятлари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш ва аёл шахсига нисбатан маънавий дунёқарашни шакиллантириш, жумладан маданий муносабатни, ўзаро ҳурматни, аёлни жамиятдаги ролини, оиладаги ўрни, аёлни боллар олдидаги ҳурматини ўстиришга кўпроқ аҳамият бериш. Бу натижаларга эришиш учун мактаблардаги тарбия ва адабиёт фанларини ўқитишда миллий кадрларга асосланган тарбия тизимини ишлаб чиқиш ва шу орқали уларда аёлларга нисбатан меҳр-шавқат туйғуларини шакиллантиришга кўмаклашиш.

5. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва талабаларни ҳуқуқ дарсларида аёллар ҳуқуқ ва эркинликлари, эркакнинг ҳуқуқ ва оила олдидаги мажбуриятлари, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги тўлақонли билимлар билан қуроллантириш.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси. 1989 йил 20 ноябрь.
2. Kempe C. H., Silverman F. N., Steele B. F., Droegemueller W., Silver H. K. The battered child syndrome // Journal of the American Medical Association. 1962. 181. P. 17-24.
3. Straus M. A., Gelles R. J., Steinmetz S. K. Behind closed doors: Violence in the American family. New York, 1980; Straus M. A., Gelles R. J. Societal change and change in family violence from 1975 to 1985 as revealed by two national surveys // Journal of Marriage and the Family. 1986.48. P. 465-479.
4. О.А.Хасбулатова Обзор опыта советской государственной политики в отношении женщин // Гендерная реконструкция политических систем/ Ред.-сост. Н.М.Степанова, Е.В.Кочкина. СПб.:Алетейя, 2004.- С.397-407
5. Семейное насилие и пути его преодоления в современном ... [https://www.dissercat.com > content > semeinoe-nasilie-...](https://www.dissercat.com/content/semeynoe-nasilie-...)

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

II-ЖИЛД, 2-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz